

Лаббай, Аллоҳим, лаббай!



08:07 / 08.06.2020 11902

Абдуллоҳ ибн Жало айтади: «Зулҳулайфага борганимда ҳаж қилгим келди. Одамлар эҳром боғлаётган экан. Қарасам, бир йигит эҳром боғлашдан олдин ғусл қилиб, устидан сув қуяётган экан. Унга қараб турсам, шундай деди: «Роббим, «Лаббайкаллоҳумма, лаббайк» (*Лаббайкаллоҳумма лаббайк*) нинг маъноси «Лаббай,

Аллоҳим! Мана, мен сенинг Байтингга келдим, хизматингга тайёрман, бошқа нарсага чалғимайман» деганидир) дейишни хоҳлайман, лекин «Лаа лаббайка ва лаа саъдайка» (Бу Сенинг хизматинг ҳам, ёрдаминг ҳам керак эмас дегани) деб жавоб қилишингдан қўрқаман». У бу сўзларни бир неча бор такрорлади. Мен эса уни эшитиб турардим. Ҳадеб шундай деявергач, унга: «Сен эҳром боғлашинг керак», дедим. У: «Шайхим, «Лаббайкаллоҳумма лаббайк» десам-у, Аллоҳ таоло: «Лаа лаббайка ва лаа саъдайка» деса нима қиламан?» деди. Шунда мен унга: «Аллоҳ таолога

яхши гумон қил! Кел, мен билан «Лаббайкаллоҳумма лаббайк» деб қайтар», дедим. У: «Лаббайкаллоҳумма» деб, чўзиб айтаётиб, тилида «Аллоҳумма» деган сўз билан жони узилди-ю, ерга йиқилди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан